

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ  
Законодательной палаты  
Олий Мажлиса  
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14103-46

« 15 » ФЕВРАЛЬ 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазири  
А. Рамаатовга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ачилбой Жуманиязович,

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларнинг таълим олиши ва яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш энг асосий вазифаларимиздан бири эканлиги таъкидлаб келинади.

Шунингдек бугунги кунда Ёшларимизнинг қонуний манфаатлари қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳимоя қилиб келинмоқда. Аммо ўрганишлар давомида мазкур йўналишдаги қонун ҳужжатларининг айрим талаблари эътибордан четда қолиб кетаётганлиги намоён бўлаяпти. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси билан ёшлар учун жамоат транспортидан фойдаланишда имтиёзлар берилиши кафолатлаб қўйилган. Аммо, ҳозирда мазкур модда талаби фақатгина Тошкент шаҳрида қисман бажариб келинмоқда десак, муболаға бўлмайди. Яъни фақат Тошкент шаҳрида талабалар учун ойлик йўл чипталари амалда мавжуд. Пойтахтдан бошқа ҳудудларда ойлик йўл чипталар амалга киритилмаган.


Юқоридагилардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Нукус шаҳари фуқароси А.Айтенов томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ёшларининг Нукус шаҳри ичида йўловчи ташиш

транспортларидан имтиёзли фойдаланишини таъминлашда ёрдам сўраб ёзган аризадан келиб чиқиб (*ариза илова қилинади*), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунидаги ёшларнинг жамоат транспортдан имтиёзли фойдаланишига оид бандининг Нукус шаҳрида амалга оширилишини таъминлаб беришингизни сўрайман.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 12-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига асосан ушбу масала юзасидан 10 кун муддатда асослангилган ёзма маълумот беришингиз сўралади.

*Илова 1 варақда*

**Хурмат билан Саноат, қурилиш  
ва савдо масалалари қўмитаси  
аъзоси**



**Қ.Бабашев**